

Замзам сувининг хосияти



14:00 / 13 июнь 3082

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Замзам суви нима учун ичилса, шунинг учундир», дедилар» (Ибн Можа, Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривояти).

Шарҳ: Яъни замзамни ким нима ниятда ичса, ўша ниятига етишади. Бу ҳақиқатни кўпчилик мухлислар ўз тажрибаларидан ўтказишган.

Имом Дора Қутний ва Ҳоким келтирган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Замзам суви нима учун ичилса, шунинг учундир. Уни шифо талабида ичсанг, Аллоҳ сенга шифо беради. Уни паноҳ талабида ичсанг, Аллоҳ сенга паноҳ беради. Агар уни чанқоғингни кесиш учун ичсанг, Аллоҳ чанқоғингни кесади. Агар уни тўйиш учун ичсанг, Аллоҳ сени тўйдиради. У Жаброилнинг ишорасидир. У Исмоилнинг ичимлигидир».

Замзам тарихини Имом Бухорийнинг «Жомеъус-саҳиҳ» китобларида ривоят қилинган ҳадиси шарифдан иқтибос келтириш билан бошласак.

Ибн Аббос розияллоху анҳумо айтади: «Аёлларнинг минтақ (тананинг пастки қисмига ўраб олинандиган изор каби кийим) тутиши биринчи бўлиб Исмоилнинг онаси тарафидан бўлган. У изини Сорага кўрсатмаслик учун минтақ тутган эди. Ўша вақтда фақат хизматкорлар белбоғ боғлашар эди. Ҳожар онамиз Сора онамизнинг олдида ўзини у билан тенг кундош эмас, балки унинг хизматкори қилиб кўрсатиш учун шундай қилганлар.

Иброҳим алайҳиссалом Ҳожар онамизни ва ўғли Исмоилни Байтнинг ўрнига, Замзам устидаги катта дарахт остига қўйиб кетган. Ўша пайтда Маккада бирор одам ҳам, сув ҳам бўлмаган.

У зот икковининг олдига бир хурмоли халта ва сувли меш қўйиб ортига қайтганлар. Ҳожар онамиз у зотга эргашиб: «Эй Иброҳим! Бизни кимсасиз, бирор нарса ҳам унмайдиган водийга ташлаб, қаёққа кетмоқдасиз?!» деб бир неча марта такрорладилар, аммо у зот ўгирилиб қарамасдилар. Шунда у зотга: «Аллоҳ сизни шунга амр қилдими?» деди. У зот «Ҳа», дедилар: «Ундай бўлса У бизни зое қилмайди», деди-да, Ҳожар онамиз ортига қайтди.

Иброҳим алайҳиссалом эса, йўлда давом этдилар. У зот тепалик йўлидан ўтиб, улар уни кўрмайдиган бўлганида Байтга юзланиб, дуо қилдилар: «Эй Роббимиз, ҳақиқатда, мен ўз зурриётимни Сенинг Байтул ҳароминг ёнига, гиёҳсиз водийга жойлаштирдим».

Ҳожар онамиз Исмоилни эмизиб, ҳалиги сувдан ичиб турдилар. Мешдаги сув тамом бўлганда ўзлари ҳам, ўғиллари ҳам чанқади. Унга қараган пайтлари гўдакнинг тўлғониб типирчилашини кўрар эдилар. Унга назарим тушмасин, деб юриб кетдилар. Энг яқин бўлган Сафо тоғини кўрдилар ва унинг устига чиқиб, бирор кишини кўрармиканман, деб водий томон назар солдилар. Ҳеч кимни кўрмадилар. Кейин Сафодан тушиб, водийга етганида қўйлақларининг этагини кўтариб, қаттиқ ҳаракат қилган инсондек саъй қилиб водийдан ўтдилар. Сўнгра Марвага келдилар. Унинг устига чиқиб, бирон кишини кўрармиканман, деб водий томон назар сола бошладилар. Аммо яна ҳеч кимни кўрмадилар. Етти марта ана шундоқ қилдилар.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилиб: «Ана ўша одамларнинг икки тоғ орасидаги саъйидир», дедилар», деди.

У Марвага чиққан пайтида бир овоз эшитди. Ўзига-ўзи жим, деди-да, сўнгра қулоқ солди. Яна ўша овозни эшитгач, бундай дедилар: «(Овозингни) эшиттирдинг. Агар имконинг бўлса, менга ёрдам бер».

Шунда замзамнинг ўрнида фариштанинг товони ила ёки қаноти ила ниманидир излаётганини кўрди. Охири у ердан сув чиқди. Ҳожар онамиз сувни тўса бошладилар. Икки қўллари билан ҳовучлаб олиб, мешга қўйдилар, сув эса тўхтовсиз отилиб чиқарди.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам: «Аллоҳ Исмоилнинг онасини раҳмат қилсин. Агар замзамни тек қўйганида ёки сувни ҳовучлаб олмаганида замзам кўриниб турадиган булоқ бўлар эди», дедилар.

Ўзлари ҳам, гўдаклари Исмоил ҳам сувга қондилар. Фаришта уларга: «Зое бўлишдан қўрқма. Бу ерда Байтуллоҳ бор. Уни манави бола ва унинг отаси бино қилади. Албатта, Аллоҳ Ўз аҳлини зое қилмайди», деди.

Бир вақт Журҳум аҳлидан бир гуруҳ йўловчилар Макканинг паст томонига қўндилар. Улар айланиб учаётган қушни кўришди. Албатта, бу қуш сув бор жойда айланади, бу водийда билишимизча сув йўқ эди-ку, деб бир-икки одамни текшириш учун юборишди. Улар сувнинг хабарини бергач, у ерга боришди. Сув олдида Ҳожар онамизни кўришди. Йўловчилар ҳузурларига тушишларига изн сўрадилар, изн теккач, ўша ерга тушишди. Аҳлларига ҳам одам юборишди. Барчалари келишди, бир қанча аҳллар бўлди. Исмоил улғайиб йигит бўлди, улардан арабчани ўрганди. Йигитни ёқтириб қолиб, уни ўзларидан бир аёлга уйлантиришди. Сўнг Исмоилнинг онаси вафот этди.

Кейинчалик Журҳум қабиласи Аллоҳ таолога гуноҳ ва Байтуллоҳга ҳурматсизлик қилгани учун замзам суви қуриди ва қудуқнинг ўзи кўмилиб кетди.

Замонлар ўтиб, авлодлар бирин-кетин келиб кетди.

Бир куни Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг боболари Абдулмутталиб Каъбаи муаззаманинг ёнида ухлаб ётганларида тушларида биров келиб: «Тийбани ковла», деди.

«Тийба нима?», деди Абдулмутталиб.

Ҳалиги овоз эгаси ғойиб бўлди. Эртасига яна ўша жойда ухлаб ётганларида кечаги кимса тушига кириб: «Баррани ковла», деди.

«Барра нима?» дедилар.

Ҳалиги овоз эгаси яна ғойиб бўлди. Эртасига яна ўша жойда ухлаб ётганларида яна кечаги кимса тушига кириб: «Мазнунани ковла», деди.

«Мазнуна нима?» дедилар. Ҳалиги овоз эгаси яна ғойиб бўлди. Эртасига яна ўша жойда ухлаб ётганида ўша киши тушига кириб яна: «Замзамни ковла», деди.

«Замзам нима?» дедилар.

«У ҳеч қуримас ва айнимас. Кўп ҳожиларни суғоради. У тезак ва қон бор жойда. Қарға ер чўқиётган жойда. Чумоли бор жойда», деди.

Абдулмутталиб уйқусидан туриб, одамлар ҳайвонларини сўядиган жойни, ҳозирги замзам қудуғи ўрнини топди. Қараса, қарға ер чўқиб турар, чумоли ғизиллаб юрган экан. Ўша ерни қазий бошлади. Бир ўзи бор кучини ишга солиб, жон-жаҳди билан ер қазиди. У мақсади йўлида ҳар қандай ишни қилишга, ҳар қандай машаққатга дош беришга одатланган эди. Ҳеч бўшашмай ер кавлашда давом этди. Қурайшликлар эса, нима бўлар экан, деб уни кузатиб туришар эди.

Абдулмутталиб сувни кўрганида: «Аллоҳу акбар!» деб такбир айтди. Қурайшликлар унинг ўз мақсадига эришганини англашди. Кейинроқ Абдулмутталиб қудуқ қазилда давом этиб, унинг атрофидан Исмоил алайҳиссаломдан қолган табаррук буюмларни ҳам бирин-кетин топа бошлади. У замзамни қайта кавлаб битирганидан кейин қурайшликлар унга эгалик қилишда шерик бўлмоқчи бўлишди. Улар Абдулмутталибга: «Бу Исмоилнинг қудуғи, шунинг учун унга эгалик қилишда биз ҳам сенга шерик бўлишимиз керак», дейишди. Абдулмутталиб эса, бу қудуқни ўзим қазидим, менинг ўзим эгалик қиламан, деб уларнинг таклифини рад қилди.

Аммо улар Абдулмутталибнинг яхшилигини билганларидан, ўзларига ҳам замзамдан фойдаланишга ижозат беришига ишонганларидан бир мунча вақтгача гапларидан қайтишди. Дарҳақиқат, кейинроқ ҳаммалари замзам сувидан ичиб, баракасидан баҳраманд бўлишди. Ўзларига иззат ва каромат қайтиб келганидан хурсанд эдилар. Чунки замзам Иброҳим ва Исмоил алайҳимассаломлар ҳамда Ҳожар онамизга тегишли нарса бўлиб, бу зотлар арабларнинг фахри эди.

Асрлар давомида Замзам қудуғида бир неча бор ўзгаришлар бўлди. Улардан баъзиларини эслатиб ўтамиз.

Халифа Ҳорун ар-Рашид даврида қудуқ бир неча аршин чуқурроқ қазилди. Халифа Маҳдийнинг даврида ҳам шунга ўхшаш иш қилинди. Халифа Амийннинг даврида эса, унинг чуқурлиги қирқ аршинга етди.

Халифа Муътасимнинг давригача Замзам қудуғининг усти очиқ бўлган, кейинроқ у усти ёпилган. Вақт ўтиши билан бошқа ўзгаришлар ҳам киритилган.

Саудийлар даврида ҳам кўпгина ишлар қилинди ва қилинмоқда. Ҳижрий 1377 санада тавоф қилувчиларга қулайлик туғдириш мақсадида Замзам уйи ер остига олинди. Унинг устидан ҳам тавоф қилиш йўлга қўйилди. Қудуқнинг ўзига темир-бетондан девор қилиниб, устига мрамар қопланди. Ҳижрий 1399 санада Замзам қудуғининг чуқурлиги ўн саккиз метру олтмиш сантиметр эди.

Аббосий халифалик даврида замзам суви қудуқдан тортиб олиниб, усти очиқ ҳовузларга қўйилар ва улардан одамлар олишар эди. Кейинчалик сув сақланадиган омборларга жўмраклар қўйилди. Замзам тарқатувчилар мешкобларда одамларга сув улашадиган бўлишди.

Ҳижрий 1383 санадан бошлаб, замзамни моторда тортиб олиш йўлга қўйилди. Ҳарами Шарифнинг остига ушбу тортилган сувни тўплаб, совутадиган марказ қилинди. Бу марказ Марванинг остида бўлиб, марказ ва унга тегишли барча ускуналар сўнгги замонавий асбоб-анжом ва компьютерлар билан жиҳозланган. Марказдаги сувга замзамнинг ўзидан қилинган муз қўшилади. Сўнгра ҳамма тарафларга тарқатилади. Ҳозирда Ҳарами Шарифнинг ўзида етти юз ўттиз учта жўмракдан сув ичиш мумкин. Бунинг устига, саккиз мингта махсус катта термос ҳам доимий равишда замзамга тўлдириб турилади.

Аммо замзам улашишда шу билан чекланиб қолинмайди. Ҳарами Шарифдан узоқроқ жойларга замзамни идишларда олиб кетиш учун марказлар қилинган. Улардан миллионлаб ҳожи ва умра қилувчилар кўтарганларича олиб кетишмоқда. Сув ташиш машиналари тинмай Мадинаи Мунавварага ва Саудиянинг бошқа шаҳарларига замзам ташийди.

Шунчалар кўп ишлатилишига қарамай, кичкина бир қудуқнинг суви ҳеч камаймаслигининг ўзи катта мўъжизадир. Охириги сел пайтида замзам мўъжизасини кўрган икки кишининг каминага айтишларича, Ҳарами Шарифни сел лойқаси қоплаганида замзам лойқанинг устидан кўтарилиб, пок-покиза ҳолида отилиб чиқиб тураверган. Лойқа кўтарилса, замзам ҳам кўтарилиб бораверган. Сел қайтиб лойқа пасайганда, замзам ҳам унинг устида пасайиб-пасайиб, охири ўз ўрнига тушган.

«Ҳадис

ва Ҳаёт», 10-жуз

